Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 367-ҳадис

45- بَابُ زِيَارَةِ أَهْلِ الخَيْرِ وَمُجَالَسَتِهِمْ وَصُحْبَتِهِمْ وَمَحَبَّتِهِمْ، وَطَلَبِ زِيَارَتِهِمْ وَالدُّعَاءِ مِنْهُمْ، وَزِيَارَةِ الْمَوَاضِعِ الفَاضِلَةِ

45-боб

Яхши зотларни зиёрат қилиш, уларнинг суҳбатларида ўтириш, муҳаббат қилиш, зиёратга таклиф қилиш ва дуо қилишларини талаб этиш ҳамда фазилатли масканларни зиёрат қилиш хусусида

قَالَ اللهُ تَعَالَى : {وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِفَتَاهُ لَا أَبْرَحُ حَتَّى أَبْلُغَ مَجْمَعَ الْبَحْرَيْنِ أَوْ أَمْضِيَ حُقُباً } إِلَى قَولِهِ تَعَالَى : {قَالَ لَهُ مُوسَى هَلْ أَتَّبِعُكَ عَلَى أَنْ تُعَلِّمَنِ مِمَّا عُلِّمْتَ رُشْدًا؟}.

وَقَالَ تَعَالَى : {وَاصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ}.

Аллоҳ таоло: «**Мусо (ўзининг хизматкор) йигитига: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар кезмагунча юришдан тўхтамайман», деган пайтини эслангиз**».... Тоинки **«Мусо унга (Хизрга): «Сенга билдирилган билимдан менга ҳам тўғри таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?» деди**» (Каҳф сураси, 60–66-оятлар).

«**Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорининг юзини – розилигини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг**» (Каҳф сураси, 28-оят), деб айтган.

367 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ : قَالَ أَبُو بَكْرٍ لِعُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا بَعْدَ وَفَاةِ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ : انْطَلِقْ بِنَا إِلَى أُمِّ أَيْمنَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا نَزُورُهَا كَمَا كَانَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ يَزُورُهَا، فَلَمَّا انْتَهَيَا إِلَيْهَا، بَكَتْ، فَقَالَا لَهَا : مَا يُبْكِيكِ؟ أَمَا تَعْلَمِينَ أَنَّ مَا عِنْدَ اللهِ خَيْرٌ لِرَسُولِ -

اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ؟ ! فَقَالَتْ : إِنِّي لَا أَبْكِي
أَنِّي لَا أَعْلَمُ أَنَّ مَا عِنْدَ اللهِ تَعَالَى خَيرٌ لِرَسُولِ اللهِ
صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ، ولَـكِنْ أَبْكِي أَنْ الوَحْيَ قَدِ
انْقَطَعَ مِنَ السَّمَاءِ، فَهَيَّجَتْهُمَا عَلَى البُكَاءِ، فَجَعَلَا
يَبْكِيَانِ مَعَهَا]. رَوَاهُ مُسْلِمٌ . 2454] .

1. 367. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин Абу Бакр розияллоҳу анҳу Умарга: «Юр, Умму Айманникига борамиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни зиёрат қилганларидек, биз ҳам уни зиёрат қиламиз», деди. Уникига борган эдик, у (бизни кўриб) йиғлаб юборди. Улар унга: «Нега йиғлайсиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсалар яхши-ку?» дейишди. Шунда у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсалар яхши эканини билмаганимдан эмас, балки осмондан ваҳий узилиб қолганига йиғлаяпман» деб, уларни тўлқинлантириб юборди. Иккови унга қўшилиб йиғлай бошлашди».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI